**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН**
**Ҳ У К М**

[redacted]
С.Пирматова [redacted] ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**

Судланувчи Ш.Жовлиев, 2024 йил 01 июнь куни соат 20:15 ларда, турмуш ўртоғи Г.Жовлиевага тегишли “Nexia-2” русумли, давлат рақами 01E366XA бўлган автомашинани бошқариб, Юқоричирчиқ тумани, “Уччинор” маҳалласидан ўтган “Тошкент-Ғазалкент” автомобиль йўли бўйлаб, Ғазалкент шаҳарчаси томондан Тошкент шаҳар томонга ҳаракатланиб бориб, ушбу автомобиль йўлининг 13-километрида амалдаги “Йўл ҳаракати Қоидалари”нинг 77-банди талабларини қўпол равишда бузиб, яъни 3-банди талабларига кўра, “ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак, ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин



Хужжат имзоланган: Эшматов Шерзод Номозович, 27.09.2024
1-1117-2402/197

бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак" деб кўрсатилган бўлса-да, эҳтиётсизлик ва ўз-ўзига ишониш оқибатида, бошқарувидаги автомашина йўналишига нисбатан қатнов қисмини ўнг томондан чап томонга йўлни пиёдалар ўтиш жойидан кесиб ўтаётган велосипед ҳайдовчиси 06.06.1985 йилда туғилган Мансуров Ержан Мирзаалиевични автомашинани олд қисми билан уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган.

Содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида, велосипед ҳайдовчиси Е.Мансуров олган оғир тан жароҳатлари билан РШТЁИАМ Тошкент вилояти филиалига ётқизилган, кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамасдан Э.Мансуров 07.06.2024 йилда [redacted] йўли асфальтланган, қуруқ ҳолатда бўлгани, у автомашинасини яқинни ёритувчи чироғини ёқиб келаётиб, автомобиль йўлини пиёдалар ўтиш жойига яқинлашганида, светофорни яшил чироғи ёниб тургани, шунда автомобиль йўлини биринчи бўлак билан иккинчи бўлагини ажратиб турувчи узуқ-узуқ чизиқда бир нафар эркак кишини велосипед ҳайдаб пиёдалар ўтиш жойидан бетон тўсиқ томонга қараб ҳаракатланиб келаётганлигини кўргани ва шу вақтда у дарҳол автомашинасини тормоз педалини босгани, шунда оралиқ масофаси камлиги сабабли у велосипедчини автомобиль йўлини бетон тўсиқ томондан биринчи бўлакни ўртасида автомашинасини олд томони билан уриб юборгани, кейин у автомашинасида бетон тўсиқ томондан биринчи бўлакда тўхтаганлигини, у автомашинасидан тушиб, велосипедчини қидирганида, велосипедчи бетон тўсиқ томонда ётганлигини кўргани ва уни аҳволини текширганида, ҳушидан кетиб ётган бўлгани, у дарҳол велосипедчини автомашинасини орқа ўриндиғига ётқизиб, ўғли Ж.Норбоев билан бирга



Ҳужжат имзоланган: Эшматов Шерзод Номозович, 27.09.2024
1-1117-2402/197

РШТЁИАМ [redacted] (шашлик) қилиб бермоқчилигини, ундан кабобни сихларини тайёрлаб туришини айтгани, шу куни соат 21:00 ларда катта ўғли Мирзалиев Аржан уйга келиб, унга турмуш ўртоғи Э.Мансуровни автомашина уриб кетганлиги, жияни Рахимбердиев Миранбек турмуш ўртоғи Э.Мансуровни РШТЁИАМ Тошкент вилояти филиалига олиб кетаётганлигини айтгани, шу орада унга жияни М.Рахимбердиев қўнғироқ қилиб, уни тезда РШТЁИАМ Тошкент вилояти филиалига етиб боришини, турмуш ўртоғи Э.Мансуровни аҳволи оғирлигини айтгани, сўнг у дарҳол уйдан чиқиб, РШТЁИАМ Тошкент вилояти филиалига борганида, жияни М.Рахимбердиев, акалари Пердибаев Қулахмед, Пердибаев Шайхмед, Пардибаев Сийилбек ҳамда [redacted] натижасида олган тан жароҳатлари билан 2024 йил 07 июнь куни соат 21:00 ларда вафот этгани, турмуш ўртоғи Э.Мансуров шифохонада ётиб даволанган вақти ҳайдовчи Ш.Жовлиев турмуш ўртоғини дориларини олиб берганини, турмуш ўртоғи Э.Мансуровни дафн маросимларини ўтказишда ҳайдовчи Ш.Жовлиев ёрдам берганлиги ва барча етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплагани, судланувчи Ш.Жовлиевга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, судланувчига жазо тайинламасликни сўради.



Хужжат имзоланган: Эшматов Шерзод Номозович, 27.09.2024
1-1117-2402/197

Юқоридагилардан ташқари, [redacted] чизмаси ва унга илова қилинган фотожадвал, судга оид тиббий, трассалогия, автотехника экспертизаларининг хулосалари билан тўлиқ тасдиғини топди.

Суд, дастлабки тергов [redacted]”ги 1-сонли Қарорнинг 3-бандига кўра, ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Суд, юқоридаги қонун ва раҳбарий кўрсатмага амал қилиб, судланувчи Ш.Жовлиевга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, ушбу жиноятни эҳтиётсизлик оқибатида содир этганлигини, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчининг қонуний вакилини унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан модда санкцияси доирасида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни ва унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, шартли [redacted]

[redacted]

[redacted]

Ш.Жовлиевнинг зиммасига:

1) яшаш жойи ўзгарса бу ҳақида назорат олиб борувчи органга хабар бериш;



Хужжат имзоланган: Эшматов Шерзод Номозович, 27.09.2024

1-1117-2402/197

2) ҳар куни соат 22:00 дан соат 06:00 га қадар яшаш жойида бўлиш мажбуриятлари юклатилсин.

Ш.Жовлиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси 6,8-қисмлари талаблари, яъни синов муддати давомида ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёхуд маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган тақдирда, назорат қилувчи органнинг тақдимномасига асосан суднинг ажрими билан жазонинг шартлилиги бекор қилиниши, шунингдек янги жиноят содир этган тақдирда ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Синов муддати ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ш.Жовлиевга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва Тошкент вилояти ИИББнинг депозит ҳисоб рақамига гаров учун топширилган 7.000.000 (етти миллион) сўм пуллар гаров қўювчи Ш.Жовлиевга қайтарилсин.

Ҳукмдан [redacted]

[redacted]

[redacted]

Ҳужжат имзоланган: Эшматов Шерзод Номозович, 27.09.2024